



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ
«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43 йил чиқиб
№ 253 (13.515).
4 НОЯБРЬ
1966 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

Пахтамиз 3.750.000 тоннадан ошди.
Энди 4 миллион тонна учун курашайлик!

Бир грамм ҳам пахтани сира нобуд қилмай тезда
ийғиб-териб олайлик. Ҳар бир терим агрегати юксак
унум билан ишласин. Терилган пахта тезда қуритилиб,
тайёрлов пунктларига топширилсин. Ҳосилдан бўшаган
ерлар пешма-пеш шудгор қилинсин!

- ◆ 19-20 ноябрда республикада «Пахта байрами» ўтказилади. Пахтакорлар ва барча меҳнаткашларнинг бу катта тўйини янги меҳнат зафарлари билан нишонлайлик!
- ◆ Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш — пахтакорлар байрамига муносиб совға бўлади.

Моҳира Шариповани Урта Чирчиқ районидagi Куйишев номи колхоз пахтакорлари купининг килограмми теримчиларнинг сардори дейишди. У маъсумда баранали меҳнат қилиб, хирмонга 8 минг килограмми «олтин» териб тўнди. Суратда: М. Шарипова.
К. РОЗИҚОВ ФОТОСИ.
(«ТАГ» ФОТОХРОНИКАСИ).

Азиз тошкентликлар Йўлдош-шаҳарга марҳамат!

ДЎСТЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Тарих шаҳарлар бир кунда, бир ҳафтада айрилган бўлганини, кули кўкка соғурилганини билди. Лекин кекса тарих бутун бошли бир шаҳар беш ойда бунёд этилганини ҳали билмаган, ҳали кўрмаган бўлса керак. Бор-йўғи беш ой ичида совет кишиларнинг аёл фарзандлари — ҳарбий қурувчилар Тошкент ёқинида кўриб кўз қувайдиган, яшаб одам роҳат қиладиган шаҳарни бунёд этидилар. Кеча шаҳарга кириб борар эканмиз, ҳадимизга бир фикр келди: модонки, шу тўзат, шу чароғон шаҳарни аскарларимиз бунёд этган эканлар, қани энди шаҳар бўсағасида бинокор солдатларга ҳайкал бунёд этилса! Шундай ҳайкал қўйилди ҳам. Уйлаймизки, ҳайкалтарош совет солдатини ижодкор, яратувчи, бунёдкор эканлигини ўз санъати билан ёрқин инодалайди. Совет аскарининг бир қўлида қурол, бир қўлида андава, у қурол билан мамлакатимиз ҳавфсизлигини қўриқласа, андава билан қурипти, янги, шинам, обод уйлар барпо этмоқда. Америка солдати Вьетнам чапалзорларида беғуноҳ аҳолини қираётган бир пайтда минг-минглаб ҳарбий форма кийган йигитларимиз зилзиладан озор чеккан Тошкент меҳнаткашларининг жонига оро кириб, уларни янги уйлarga таклиф қилиб турибдилар.

Кеча Сергелини айландик. Хонадонларга кирдик. Ҳамма нарсга муҳайи қилинган. 10-қаватдаги 31-уйда Мастура Йўлдошева оиласи билан яшайпти. Унинг 4 ўғил-қиз бор. Эри Зокир Йўлдошев милиция капитани.

Мастура опа ўй ўзига жуда ёққанини, болалар яйраб қолишганини айтди. Илгари бу оила Киров районида яшар эди. Зилзила оқибатида кўпчилик қатори уларнинг ҳам уйи бўзилиб кетди. Мана энди бугун улар янги уйга кўчиб киришди. «Ойнаванд айвоннинг кўркамлигини қаранг», — дейди у. — Уйимиз рўбарўсида 3 сотих ҳовли ҳам бор, боғ қиламиз, гул ўтказамиз, айланай!»

Сергелига тошкентликларнинг пойқадамини тегди. Ҳаётга, гулга, меҳнатга иштиёқи зўр бўлган Тошкент аҳли Сергелига келмоқда. Байрам арасида тўйга тўй уланмоқда. Сергелида ҳовли тўйи, ҳовлилар тўйи, гапнинг пўстқалласини айтганидан бўлса, шаҳар тўйи. Чунки, бу шаҳардаги ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада шодидна. Янги шаҳарнинг янги тарихи ёзилмоқда. Уни мамлакатимиздаги ҳамма ҳарбий округ-

ларнинг вакиллари қирда, дашт-бёбонда қўлларига андава ушлаб, қурилиш механизмларидан фойдаланиб ёза бошладилар. Кеча эса, агар таъбир жоий бўлса, янги шаҳарга — Сергели шаҳрига етуклик гувоҳномаси берилди. Шаҳар кадрдон дўст сингари ўз қўлига тошкентлик меҳнаткашларни ола бошладик.

Ҳаёт тез суръатлар билан бунёд этилган навқирон шаҳар бўйлаб сайр этаркансиз, баҳри дилингиз очилади. Асфальт ётқизилган тўғри ва раво 25 та кўча уй-жой кварталларини бир-бирдан ажратиб турибди. Деярли ҳар бир кварталда — магазинлар, турли хил савдо тоқчалари бор. Айниқса, савдо тўғрисида турар-жой биноларини кўзга солиш қувонтиради. Бу уйлarda Улуғ Октябрь байрами арафасида илк мартъ Илчи чироқлари порлади, тошкентликларнинг қувноқ кўлгуси жараг-лаб эшитила бошлади. Ҳа, 390 та бир квартиралар, 62 та 12 квартиралар, 167 та 8 квартиралар уйлари қилинган зилзила оқибатида бошпанасиз қолган оилаларга топширилди. Бу — Ватанимизнинг ҳарбий кийим кийган жасоратли ўғлонлари улуғ байрам арафасида республикаимиз пойтахти аҳолисига юз минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой майдонини арумон қилди демаски!

Қапираларни кўздан кечираркансиз, ҳарбий қурувчилар бутун билим ва маҳоратларини ишга солиб сидқидилдан меҳнат қилганликларини ҳис этасиз. Бу роҳатини уйлarda аҳолининг ҳузур қилиб яшашини учун нимаки зарур бўлса — ҳаммаси тахт.

Йўлдош-шаҳарда болалар муассасалари қурилишига алоҳида эътибор берилди. Янги йилга қадар ҳаммаси бўлиб олдига болалар боғча ва яслисиз эркак-тойларни ўз бағрига олади. Шаҳарда, жумладан иккинчи мактаб биноси ҳам қад кўтарди. Ҳар бири 420 ўқувчига мўлжалланган бу маърифат даргоҳларидан бирида бугун-эрта ёш авлодин синф хоналарига чорловчи қўнғирқоқ жаранглайди. Иккинчи мактаб биноси ҳам янги йил арафасида қуриб битказилади.

Янги шаҳарда шифохоналар комплекс барпо этилади. Махсус стационарлар аҳоли саломатлигини йўлдош хизмат қилади. Сергелида яшайдиган оилалар, ҳусусан хотин-қизлар хонадондаги юмушдан бирмунча ҳоли бўлади, десак муболағи

бўлмайди. Дарҳақиқат, иккинчи улка иллий хизмат комбинати уларнинг хизматини адо этади.

Ҳадемай телефон алоқаси ҳам йўлга қўйилди. 800 тоқчалли автомат телефон станцияси йил охиригача ишга тушади. 400 ўринга мўлжалланган кинотеатр ҳам бугун-эрта дастлабки сеансларни бошлаб юборади.

Бу навқирон, замонавий шаҳар ҳақида яна жуда кўл самимий гапларни айтиш мумкин. Аммо бу ерда қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Ҳарбий қурувчилар янги йилга қадар яна 50 минг квадрат-метр ҳажмдаги уй-жой биноларини фойдаланишга, топшириш учун гайрат ва шикоят кўрсатаётдилар. Янги кварталларда меҳнат сурони авжида.

Бинокорлар ўртасида бошланган социалистик мусобақада муттасил голиб чиқиб келаётган Болтиқ флоти ҳарбий қурувчилари меҳнатда ажойиб талабаларга эришдилар. Флотдаги бўлинмаларнинг бинокорлари кунлик иш нормасини икки-уч ҳисса бажаришни шир қилиб олинди. Янги шаҳарнинг граждандари А. Алипов, Т. Гугулашвили, Г. Бекуа, М. Рузвенко, Г. Годадзе, В. Санников сингари азаматлар бошқик бинокорлар бригадаларининг меҳнат жасоратини асло унутмайдилар.

Ҳарбий қурувчилар орасида ўзбек йигитларини ҳам учратдик. Улар бепоён Ватанимизнинг турли шаҳарларида муқаддас бурчларини ўтаётган эдилар. Тошкентликлар бошига тушган ташвишнинг еғиллаштириш мақсадида минг-минглаб кўнгиллар қатори улар ҳам Тошкентга малҳам қўйишга келишди. Илҳомдон Восиев ва унинг тенқурулари узоқ Белорусида хизмат қилишган экан. Қўмондонлиқ уларни умумхалқ қурилишига — Тошкентга йўллаш ҳақида буйруқ берганидан илҳомдонлар жонангон пойтахтларининг тикланишида шахсан ҳисса қўшишларидан хурсанд бўлишди. Ўз шахринг ярасига малҳам бўлишдан, киндик қонинг тўқилган мўтабар туфронинда гул ундиришдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда!

Кеча Сергелида дастлабки оилаларнинг ҳовли тўйи ўтказишга бағишланган умумшаҳар митингига она туфронимизда ажойиб меҳнатлари билан тинчлик фронтида жасорат кўрсатган ўғлонларимизнинг мана шу ишлари зўр мам-

нуният билан тилга олинди, уларнинг қаҳрамонона меҳнатига бамисоли ғамин бўлиб янгради бу ерда айтилган ҳар бир сўз!

Улуғ Октябрнинг 49 йиллиги арафасида Тошкент аҳолиси катта тўғра олдди. — деди митингнинг қисқача кириш нутқи билан очган Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Р. Расулов. — Ҳарбий бинокорларнинг олтин қўллари жуда қисқа вақт ичида бутун бир шаҳар қуриб, уни зилзиладан бошпанасиз қолган оилаларга ҳадя этди. Ҳарбий бинокорлар чилдан ҳам совет кишилари нималарга қодир эканлигини, ҳалқларимизнинг буюк дўстлиги ҳар қандай табиий офатдан қучли ва қудратли эканлигини амалда исботладилар.


Йўлдош-шаҳарнинг кенг майдонидида ўрнатилган салобатли трибунада биринкетин шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари — Киров район икрония комитетининг раиси Ж. Шобурхонов, «Ташсельмаш» заводи ишчиси Э. Поднос, шаҳар бунёдкорларидан Н. Махине, А. Қолбасов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар митингден мустаҳкам дўстлигимиз ҳақида, улуғ Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида, билимнинг, маҳоратнинг, вақтининг амай меҳнат қилаётган ажойиб кишиларимиз ҳақида тўққинлашиб сўзладилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сибий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Шаҳар тўйига бағишланган митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Лашченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомонов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Тошкент об-ласт партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ўртоқлар қатнашдилар.

А. АБДУҚОДИРОВ,
А. НАВИХҲҲАЕВ,
О. ҲАКИМОВ.

Суратда: Сергелида митинг пайти.
И. Глауберзон фотоси.



«ОК ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1966 йил 3 ноябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — маъсум бошидан буюн, тўртинчи стун — бир кунда маъсумда терилган пахта, бешинчи стун — маъсум бошидан буюн.	КҚ АССР	0,81	112,37	0,96	108,37
	ХОРАЗМ	0,78	108,21	1,33	105,67
	ТОШКЕНТ	0,15	106,88	0,11	118,80
	САМАРҚАНД	0,69	106,43	0,37	106,51
	НАШҚАДАРЕ	0,32	105,63	0,47	121,70
	БУХОРО	0,53	102,40	0,39	119,94
	СУРХОНДАРЕ	0,44	101,29	0,04	100,96
	Фарғона	0,87	98,22	0,77	120,07
	Анджон	1,02	97,77	0,60	115,66
	Сирдарё	0,66	95,07	0,35	99,51

РЕСПУБЛИКА БУНИЧА 0,69 101,93 0,50 109,90

ВАХШ ТЎСИЛАДИ

НОРАК (Токионистон ССР). 3 ноябрь. (ТАСС). Совет шаридаги энг катта — 2,7 миллион иловатт қувватли Нораан гидроэлектр станциясининг қурувчилари бугун Вахш дарёсининг йулини тўсдилар.

Пулисанинг дарёсида гўмбурлаган қучли портлаш асоа Вахш узанига илгаритдан ғамлаб қўйилган салнам 300 минг кубометр тош, шағал ва туфронни ағдариб ташлади. Дарёнинг суви бу ерда тоғ остидан махсус ўтказилган жуда катта айланма тоннелдан оқа бошлади. 80 метри мустаҳкам тўсиқни тислашга киришилди. Бу — дунёдаги энг катта мўтарма тўғон қурилишидаги дастлабки қадамдир.

А. Н. Косигин Совет халқининг турмуш даражасини янада яхшилашнинг зарур шарти сифатида меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига кўн эътибор берди. Шу муносабат билан А. Н. Косигин мамлакатимизда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш зарур эканлигига тўхталиб ўтди.

А. Н. Косигин қишлоқ ҳўжалиги бу йил катта муваффақиятларга эришганини таъкидлади. Кенгаш Коммунист партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сисбатини яқдиллик билан маъқуллади.

А. Н. Косигин ўша кунинг И. К. Байбаков, В. Э. Димшиш, В. Ф. Брагченко ва И. П. Назанешлар билан бирга Москвага қайтиб кетди. (ТАСС).

БИЗНИ ТАБРИКЛАШАПТИ

Республика пахта тайёрлаш планини бажарганини муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номинга Чимкент об-ластидан табрик телеграммаси олинди.

Қозғистон ССРнинг Чимкент об-ласт меҳнаткашлари номидан, дейилади Чимкент об-ласт партия комитети ва об-ласт икрония комитети йўллаган телеграммага, Ўзбекистон пахтакорларини ва барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилгани билан изгини табриклаймиз.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 2 ноябрда В. В. Шчербинини, Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиш, А. А. Титареко ўртоқлар билан ва бошқа ҳамроҳлар билан бирга Кривой-Рог шаҳрига келди.

Волеалда уларни Украина КП Днепропетровск об-ласт комитетининг биринчи секретари А. Ф. Ватченко, меҳнаткашлар депутатлари Днепропетровск Совети ижория комитетининг раиси М. В. Пашов, Украина КП Кривой-Рог шаҳар комитетининг биринчи секретари М. С. Пичужини, Кривой-Рог шаҳар икрония комитетининг раиси Н. В. Перчин ва бошқалар кутиб олдилар.

А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари бу ерга келишлари билан Южний мон-саралаш комбинати-га йўл олдилар. Улар бу ерда темир руда қазиб чиқариладиган карьерни кўздан кечирдилар ва

А. Н. КОСИГИН КРИВОЙ-РОГДА

портлатиладиган қудуқларни олов ёрдамида пармалаш усулларини ишчи билан, рудаларни саралаш фабрикасининг иши билан тамишдилар ва комбинатнинг боъ-йисолиги ҳамда шифобахш лой билан даволайдиган шифохонасини бориб кўрдилар.

Шундан кейин Косигин, Шчербинский, Байбаков, Димшиш ўртоқлар ва бошқалар В. И. Ленин номидаги Кривой-Рог металлургия заводида келдилар. Улар заводни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилганларидан кейин 7-домна печи, конвертор ва прокат цехларининг иши билан, янги прокат стани қурилишининг бориши билан тамишдилар.

Кун охирида Кривой-Рог шаҳрида Кривой-Рог ҳавзасидаги сан-юст қорхоналари ва қурилиш ташкилотлари партия, совет, ҳў-жалик ва касабга соҳа аъзолигининг кенгаши бўлиб, Украина КП Днепропетровск об-ласт комитетининг биринчи секретари А. Ф. Ватченко кенгаши оқди ва об-ласт ҳў-жалигини ривожлантиришнинг шу йилги якуналари тўғрисида кен-гаши қатнашчиларига ахборот берди ва об-ласт партия, совет ҳамда ҳўжалик ташкилотларининг йилдаги вазифаларига тўхталиб ўтди.

Ақтия кенгаши об-ласт саноа-тини ва Кривой-Рог шаҳрининг ҳўжалигини янада ривожланти-

риш масалаларини муҳокама қилди.

Кенгашида Украина КП Кривой-Рог шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Пичужини, Украина ССР Қурилиш министрлиги «Главпроект-строй» бошлиғи ўртоқ Побочини, «Механобрчермет» институтининг директори ўртоқ Самарновлов ва Центральний кон-саралаш комбинатининг директори ўртоқ Статкевич сўзга чиндилар.

Кенгашда ҳозир бўлган киши-лар томонидан самимий кутиб олинган СССР Министрлар Со-ветининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади. А. Н. Косигин ўз нутқида ҳалқ ҳўжалигини ривож-

лантиришнинг энг муҳим пробле-малари билан бир қаторда метал-лургия саноатини ривожлантириш-га алоҳида эътибор берди. А. Н. Косигин темир рудани янада пух-тароқ саралаш ҳисобига металл иш-лаб чиқаришни кўпайтириш учун катта резервлар борлигини кой-крет мисоллар билан кўрсатди ва шу билан бирга металлнинг си-фатини яхшилаш зарур эканлигини кўрсатди. Металлургия саноа-тини ва ҳалқ ҳўжалигининг бош-қа тармоқларини ривожланти-ришнинг энг тежамли йўлларини қидириб топиш роът муҳим экан-лиги таъкидлаб ўтди.

